



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 22 июль, ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 143 (12.454)

Баҳоси эркин нарҳда


22
O'ZBEKISTON

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Шаҳримизнинг файзли ва кўркам туманларидан саналмиш Мирзо Улуғбек туманида ҳам бугунги кунда ушбу байрам ўзига хос ютуқлар билан муносиб кутиб олинмоқда. Туман аҳолиси Ватанимиз равнақи йўлида кенг қўламадаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини амалга оширишмоқда.

Туман 1932 йил ташкил топган бўлиб, 1992 йил 8 май кuni Мирзо Улуғбек номи берилган. Худуди 36 квадрат километрини ташкил этади. Туман ҳудудида жойлашган 53 та маҳаллада аҳоли аҳил ва иноқ истиқомат қилиб келмоқда.

Маҳаллаларда ободлик ва орасталикка эътибор қаратилган, аҳолига қўлайликлар яратилмоқда. Утган йиллар мобайнида бунёд этилган муҳташам иншоотлар, замонавий турар жой бинолари, маҳалла гузарлари, тўйхоналар, ўқув масканлари туман аҳолисининг фаровон турмуш кечиришига хизмат қилмоқда.

Туманда 2013 йил биринчи ярим йиллик якуни бўйича турли соҳаларда-

ги кўрсаткичларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан – саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 132,8 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмининг 109,5 фоизга, чакана савдо айланмасининг 106,4 фоизга, жами хизматлар ҳажмининг 109,4 фоизга, пуллик хизмат ҳажмининг 108,8 фоизга ўсишига эришилди.

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Туманда ёш авлоднинг билим олиши учун 32 та умумтаълим, битта ихтисослаштирилган, 3 та спорт, 2 та интернат мактаблари хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари 5 та олий ўқув юрти, 11 та касб-хунар коллежлари юқори малакали мутахассисларнинг етишиб чиқишини таъминламоқда.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Гушан» номи бoғ аҳолининг севимли

ҳордик чиқариш масканига айланган. 2012 йилда қайта реконструкция қилинган бoққа болажонлар ота-оналари билан таширф буюришади. Бoғдаги 20 турдаги замонавий кўнгило-чар аттракциону аргимчоқлар барчага вақтни мазмунли ўтказиш имконини яратмоқда. Дам олиш маскани айниқса байрам кунлари болажонлар ҳамда таширф буюрувчилар билан янада гавжум бўлади.

Айни кунда туманнинг барча гўшаларида байрамга тайёргарлик қизгин паллада. Туман аҳолиси ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, қайта қуриш ишларида фаол иштирок этмоқда. Айниқса, «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида ўтказилаётган байрамолди тадбирлари барчанинг кўнглида фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдирмоқда.

(Мирзо Улуғбек туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Диққат: танлов!

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ ЖУРНАЛИСТИ

Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокорпорация, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ёшларни миллий истиқлол гоёси руҳида жисмонан соғлом, маънавий етук, дунёқараши теран ва мустақил фикрлайдиган баркамол авлод этиб тарбиялаш, ёшларда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва мустақамлаш, халқимиз менталитетига ёт бўлган турли иллатларга қарши курашиш кўникмаларини шакллантириш, ёш журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, улар орасидан иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» республика танловини ўтказлади.

Танловда республика оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ҳамда таҳририятлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган 30 ёшгача бўлган журналистлар иштирок этишлари мумкин.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган гоёни ўзида мужассам этган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

ВАТАНИМНИ КУЙЛАЙМАН

Олмасор, Ҳамза, Яккасарой туманлари ҳокимликлари, хотин-қизлар кўмиталари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимлари, «Қамолот» ЁИХ туман бўлимлари, маданият ва спорт ишлари бўлимлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, маҳаллалар фаоллари, ёшлар ва нуруний отахон-онахонлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори асосида шахримиз туманларида амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ва ўтказилаётган тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Байрам тадбирида қатнашаётган ҳар бир туман томонидан мустақиллиқнинг 22 йиллик даврида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги салоҳиятини, аҳоли турмуш тарзининг юқори даражасини акс эттирувчи таълим, тиббиёт, миллий хунармандчилик, халқ амалий санъати ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида эришилган ютуқларни ўзида акс эттирган кўргазмалар ҳамда фототасвирлар намойиши ташкил этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча гўшаларида Энг улуг, энг азиз шодиёна муносабати билан байрамолди тадбирлар ўтказилмоқда, – дейди Маънавият тарғибот маркази Ҳамза тумани бўлими раҳбари Муқаддас Раззоқова. – Шаҳримиз туманларида ҳам мустақиллик айёмига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Истиқлолимизнинг кутлуг тўйини муносиб кутиб олишга қаратилган турли тадбирлар ва йиғилишлар ташкил этилиб, унда байрамни кўтаринки руҳда ва бекаму кўст нишонлаш чора-тадбирлари белгиланмоқда.

Истиқлолнинг ўтган даври мобайнида давлатимиз барча соҳаларда юқори кўрсаткичларга эришиб, иқтисодий, маънавий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан мустақамланди. Миллатимизнинг шонли тарихи, буюк бобоконларимизнинг номи, улар яратган асарлар, ўзбекона урф-одат ва анъаналаримиз ҳамда халқ амалий санъати қайта тикланди.

Дарҳақиқат, мустақиллигимиз шарофати билан халқ амалий санъати ва миллий хунармандчилигимиз равнақ топмоқда, – дейди суҳбатда қўшилган Олмасор туманилик хунарманд Ботир Мавлонов. – Анча йилдан буён ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланаман. Ҳозирда беш нафар шогирдим бор. Уларга ёғоч ўймакорлигининг сир-асрорларини ўргатиб келмоқдаман. Бугунги байрам тадбирига биз ҳам ўз ижодимиз намуналари билан таширф буюрдик.

(Давоми 3-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вилоят ҳудудий бўлини маси ҳамкорлигида «Экологик назоратнинг асосий вазифалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик назоратни шакллантириш ҳамда фуқароларнинг экологик маданиятини юксалтириш масалалари хусусида сўз юритилди.

• Хоразмда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросини таъминлаш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови муносабати билан сайлов қончилиги рия этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Бухорода Ўзбекистон Мустиқил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Словениянинг «Regional Dialogue» ташкилоти билан биргаликда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари салоҳиятини ошириш ва уларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги мавзусига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

• Термиз шаҳрида «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» ва «Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор» лойиҳалар танловининг Сурхондарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида сараланган 18-30 ёшли етмишга яқин ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари ва маҳаллалар ёшлари ўз бизнес-лойиҳалари билан иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Европа Иттифоқига аъзо 28 та мамлакатнинг иқтисодиёт ва молия вазирлари Латвиянинг 2014 йил 1 январдан евроҳудудга қўшилиши тўғрисидаги қарорини маъқуллади. Шундай қилиб евроҳудуд таркибига кирган мамлакатлар сони келгуси йилда 18 тага етади. Айтиш керакки, Латвияда еврони муомалага қилиш тўғрисидаги масала ЕИ доирасида 2008 йилдан буён муҳокама қилиниб келсада, республика иқтисодиёти бунга тайёр эмаслиги сабабли бу жараён бир неча бор орқага сурилган. Ниҳоят бунга рухсат берилди.

• Сочи миллий боғида ярим асрдан буён илк бор қоплонлар болаводот. Яъни, ўтган йили Лиссабон ҳайвонот боғидан Сочига келтирилган бир жуфт қоплон иккита соғлом қоплончани дунёга келтирди.

• Япониянинг денгиз тадқиқотлари ни ўтказиш бўйича миллий агентлиги мутахассисларининг таъкидлашича, 2015 йилга келиб Ер юзида ҳаво ҳароратининг кескин совиб кетиши кутилмоқда. Масалан, тадқиқотчи олим Мототака Накамура сўнгги эллик йил давомида барча океанлардаги сув ҳароратини ўрганган. Гренландия денгизидagi ҳолат юқоридаги хулосага келишга туртки бўлди. Зеро, айнан шу ердаги вазият туфайли яна икки йилдан сўнг шимолӣ ярим шарда об-ҳаво жуда совуқ бўлиши мумкин.

Хабар қилинганидек, 19 июль кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар иккинчи ўқишда бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аҳолини иш билан таъминлаш жараёнларига таъсир кўрсатувчи ўзига хос хусусиятлари, устувор йўналишлари ва истиқболлари, шунингдек, халқаро андозалар ва нормаларни ҳисобга олган ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ишда бандлиқни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида аҳолининг алоҳида тоифаларига, шу жумладан, ўрта махсус, касб-хунар, шунингдек, олий таълим муассасалари битирувчиларига қўшимча кафолатлар назарда тутилмоқда, иш билан таъминланган фуқаролар, ишсизлар тушунчалари, давлат органлари вазифалари, ушбу соҳадаги бошқа ҳуқуқий нормалар аниқлаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Иқтисодиёт

ШАРТ-ШАРОИТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар каби тадбиркорлик равнақига улкан эътибор қаратилиб, бунинг учун етарли шарт-шароит, кенг имкониятлар яратилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида тадбиркорлар учун яратилган қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб келаётган қорхоналар иқтисодиётимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Туманда 2006 йилдан буён фаолият олиб бораётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги «BF TEXTILE PRODUKTION» ҳорижий қорхонасининг устав фонди бугунги кунда 29 900 496,77 АҚШ долларини ташкил этади. Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида қорхона ташкил этилиши билан 2000 дан ортиқ иш ўрни яратилган.

«BF TEXTILE PRODUKTION» Ўзбекистондаги пахта матоси ишлаб чиқарувчи энг йirik қорхоналардан бири ҳисобланади. Мазкур қорхона замонавий машиналар билан жиҳозланган бўлиб, тўқиш, бўйлаш, қуриштиш, тикув цехини ўз ичига олади. Иш сифати ва самарадорлигини таъминлаётган меҳнат аҳли учун барча қулайликлар яратилган.

— Қорхонамиз тўғридан-тўғри ҳорижий инвестиция ҳисобига ташкил этилган, — дейди ҳуқуқшунос Музаффар Расулов. — Ва у «Ўзбекенгилсанот» ДАК аъзоси ҳисобланади. Қорхонада пахта толасидан йилга 6000 тоннадан ортиқ йиғирилган калава ип, 100 турдан ошiq 800 хил

рангларда 6000 тоннадан кўпроқ экспортбop бўйланган трикотаж матo ҳамда 6 миллион дондан ортиқ экспортбop тайёр трикотаж кийим маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда.

Қорхона томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар билан факатгина ички бозор таъминланиши орқали чекланиб қолмасдан, экспортнинг амалга оширилиши ҳам қувонарли ҳолдир. Қорхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 85-90 фоизи Россия Федерацияси, Украина ва бошқа МДХ давлатларига экспорт қилинмоқда.

Таъкидлаш лозимки, қорхона томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тугатилган «Ўзбектўқимачилиши» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлаб чиқариш майдонларининг бир қисмида замонавий тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 3 (темирчилик-пресслаш цехи) ва 8 (асбобозлик-механика цехи) ишлаб чиқариш корпуслари базасида замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган йиғирув-тўқув тўқимачилик ишлаб чиқариш комплекси фойдаланишга топширилди.

Қорхона томонидан ушбу лойиҳага 19,0 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилди.

Юртимизда эл саломатлигини асраш, жисмонан соғлом авлодни камолга етказишга катта эътибор қаратилмоқда. Тиббиёт муассасаларидаги шарт-шароитлар, уларнинг замонавий техника билан жиҳозланиши самарали муолажа усулларини қўллаш имконини бермоқда.

ЭЛ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ ЙЎЛИДА

ҳаллага тиббий ёрдам кўрсатилади. Булар — Ҳамид Олимжон, «Салор», Мирзакалон Исмоилий, Дархон ва «Оқўрғон» маҳаллаларидир. Эътибор-қўриқ томони, шифокорларимиз юқоридаги маҳаллалар билан узвий иш олиб боришади. Маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ҳар бир кун тақсимланган. Бир кун нуронийлар кўни бўлса, бошқа кун ҳомилдор аёлларга амалий хизмат кўрсатилишини айтиш мумкин.

Шифохонада 27 нафар олий тоифали, 10 нафар 1-тоифали ва бошқа

тиббиёт ходимлари фаолият юритишмоқда. Улар зиммаларига юклатилган масъулиятни ҳис қилган ҳолда барча бирдек хизмат қилиб келишмоқда. Клиник лаборатория бўлими бошлиғи, олий тоифали шифокор Хуринос Инағомова, кундузги шифохона бўлими бошлиғи, 1-тоифали шифокор Шоира Исмоилова, умумамалиёт шифокори Тамара Плехотникова ва ўз касб маҳоратлари ва ширин муомалалари билан аҳолининг эътиборини қозониб келишаётгани таҳсинга сазовордир.

Тумандаги 9-оилавий поликлиника ҳодимлари 27189 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Ушбу поликлиниканинг қўли енгил шифокор, ҳамшира ва тиббий ходимлари ўзларининг ҳудудларига қарашли хонадонларда яшовчи аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

— Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга муҳим эътибор қаратилмоқда, — дейди 9-оилавий поликлиника бош шифокори Турсунхон Каттаҳўжаева. — 2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да биномиз реконструкция қилиниб, поликлиникага айлантирилган. Катталарга, болаларга оилавий тиббий ёрдам кўрсатади. 6215 га яқин ёш болаларимиз ва 1541 нафар ўсимларимиз бор. Катта ёшдаги аҳоли сони 19433 нафарни ташкил этади. Касалхонада даволаниш имконига эга бўлган аҳоли кундузги шифохонамизда соғломлаштирилади. Ҳозирги кунда 7164 нафар фертил ёшдаги аёлларимизнинг 70 фоизи тиббий қўриқдан ўтказилган. 5 та ма-

Биз ташриф буюрган тумандаги файзли гўша — Нодирабегим маҳалласида ҳам мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллик тўйини муносиб кутиб олиш мақсадида ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари авжидалигига гувоҳ бўлдик.

БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Бу ерда аҳоли учун замонавий тилдаги маҳалла гузар, бундан ташқари 200 кишига мўлжалланган тўйхона ҳам мавжуд бўлиб, буларнинг бари маҳаллада истиқомат қилаётган аҳолига қулайлик яратиш мақсадида амалга оширилган. Маҳалладаги турли миллат вакиллари бир-бирлари билан жуда аҳил ва инқидирлар. Маҳалла ёшлари ободонлаштириш, уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олишдан ташқари турли тадбирларда фаол иштирок этадилар. Маҳаллада ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун спорт соғломлаштириш комплекси фаолият юритади. Шахмат, шашка, теннис каби спорт турларидан сабоқ берадиган тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилиб, келажагимиз эгалари бўлиши ёшларнинг бўш вақтларининг мазмунли ўтишига эришилмоқда.

— Маҳалламизда мустақиллигимизнинг 22 йиллигига қизгин тайёргарлик бошлаб юборилган, — дейди Нодирабегим маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Зиямухамедов. — Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Маҳалламиз аҳолиси ўз уйи атрофини тозалаб, тартибга келтирмоқда. Анча йил-

лар аввал қурилган битта маиший хизмат кўрсатиш шохбосчаси аҳолига хизмат кўрсатиб келарди. Мустақиллик байрами арафасида эришган яна бир ютуғимиз — хусусий тадбиркор ҳомийлигида яна битта маиший хизмат кўрсатиш уйи қуриб битказилди. Буларнинг бари маҳалла аҳолисининг турмуши фаровон бўлишига хизмат қилади, деган умиддамиз. Яна бир янгилик шундан иборатки, фаолият юритиб келаётган спорт соғломлаштириш комплексидаги тренажёр зали зарур асбоблар билан жиҳозланмоқда, бу ҳам ёшларимизга аталган совғамиздир.

— 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш бора-сида маҳалламизда тарғибот ишларини кучайтириш, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, тиббий маданиятини ошириш, қариндошлар ўртасидаги никоҳлар-

Мамлакатимизда келажагимиз давомчилари бўлган ёшларнинг билимли, руҳан ва жисмонан баркамол тарзда вояга етишлари йўлида кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада бошқа соҳалар қатори таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига давлатимиз раҳбари раҳнамолигида катта эътибор қаратилмоқда.

ЁШ МУТАХАССИСЛАР ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА

Туманда жойлашган Мирзо Улуғбек транспорт касб-ҳунар коллежи ҳам ўқувчиларга бугунги кун талаби даражасида билим бериш билан бирга «Авто-мобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш», «Транспортларда таъмирлаш ва бошқариш» ташкил этиш, «Бухгалтерия ҳисоби» йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлаб келмоқда.

Коллеж тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у 1938 йилда ташкил этилган бўлиб, 1970 йилдан 86-ўрта ҳунар-техника билим юрти этиб ўзгартирилган. 2004 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Мирзо Улуғбек транспорт касб-ҳунар коллежига айлантирилди.

— Коллежимиз 2009 йилда қайта таъмирланиб замонавий анжомлар билан жиҳозланган бўлиб, барча фахр ва мутахассисликлар бўйича юқори маълумлиги ўқитувчилар таълим берадилар, — дейди коллеж раҳбари Эркин Нарзиёв. — Спорт ва фаоллар зали, чилангарлик, таъмирлаш ўқув устахо-

наси ўқувчиларга хизмат қилмоқда. Ёшлар спорт билан нафақат жисмоний тарбия даражасида, балки дарсадан ташқари пайтда ҳам шуғулланадилар. Коллеж Ахборот-ресурс марказида ўқувчилар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, 11 мингдан ортиқ дарсликларга, ўқув қўлланмалар, бадий адабиётлар мутлола қилиш имконига эгадирлар. Ўқувчиларимиз 2,8,10-автосаройларда амалиёт ўтаб, ишга жойлашмоқда. «Тошхашартрансхизмат» уюшмаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бухгалтерия ҳисоби йўналишида таҳсил олган ўқувчиларимиз «Капитал-сўғурта» ОАЖда амалиёт ўтаб, ишга жойлашмоқда. Бухгалтерия ҳисоби йўналишида таҳсил олган ўқувчиларимиз «Капитал-сўғурта» ОАЖда амалиёт ўтаб, ишга жойлашмоқда. Бухгалтерия ҳисоби йўналишида таҳсил олган ўқувчиларимиз «Капитал-сўғурта» ОАЖда амалиёт ўтаб, ишга жойлашмоқда.

Мақсадимиз ёшларимизни илми, ҳунарли, соғлом тарзда тарбиялаш билан бирга қатъий сўзига, фикрига эга иродали қилиб вояга етказишдир. Ўйлаймизки, биз бошлаган хайрли ишлар Ватанига садоқатли, меҳр-оқибатли авлод қўлида давом этсин.

нинг олдини олиш, эркакнинг оиладаги масъулиятини ошириш, фарзандлар тарбияси, соғлом оилани яратиш, болалар таълимсизда ота-онанинг ролини кучайтириш, болаларнинг жисмоний машғулотларга жалб қилиш, спорт тўғрисидаги қизиқишини орттириш бўйича тадбирлар белгиланиб, бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди маҳалла диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Иқбол Ризаева. — «Қизларни эрта турмушга узатиш ва эрта она бўлишининг салбий асослари», «Қизларни оилага соғлом турмуш тарзи асосида тайёрлаш» мавзулари бўйича давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. «Миссонерлик оқими» гоялари, уларнинг салбий оқибатлари ҳамда бу гояларга қарши ёшларда мафкурaviй иммунитетни шакллантириш мавзусида ёшлар учун тадбир ташкил этилди.

Қувонарлиси, Обод турмуш йилида маҳалладаги оилаларда тотувлик таъминлангани бонис, бирорта ҳам ажралишлар бўлмаган. Яраштирув комиссияси раиси Марҳамат Муслимов ва бошқа аъзоларнинг сая-ҳаракатлари билан оилавий муаммолар ўз ечимини топтомоқда.

Ўтган йили ўтказилган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» таълимининг Мирзо Улуғбек туман босқичида фаол иштирок этиб, «Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда фаоллик кўрсатган йиғин» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритганлиги учун Нодирабегим маҳалла фуқаролар йиғини диплом билан тақдирланди.

Саҳифа материалларини Зиёда РАСУЛОВА тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришга, ишга жойлаштириш бўйича хизматларни кенгайтиришга, аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан қўшимча ҳимоя чора-тадбирларини кўришга қаратилган. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Ўзбекистон қорхоналарининг ҳуқуқни татбиқ этиш амалиёти, шунингдек, меҳнат муносабатларини қонуний тартибга солишнинг халқаро тажрибаси ҳисобга олинди. Тузатишларнинг қабул қилиниши ишловчилар ва иш берувчилар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларининг давлат кафолатларини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

«Гаров реестри тўғрисида»ги қонун лойиҳаси гаровга қўйилган мулкни ҳисобга олиш, шунингдек, унинг ноқонуний сотилиши ёки бошқа шахсга ўтказилишининг олдини олиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган гаров реестрини ҳисобга олувчи ягона база яратишнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаб беради. Ишончли гаров ахборотини тўплаш, уни қайта ишлаш ва гаровга қўйилган мулкка нисбатан ҳуқуқлари бўлган ёки уларга эга бўлишни хоҳлаган шахсларга тақдим этиш, шунингдек, гаровга қўйилган мулкка нисбатан гаров ҳуқуқларининг мавжудлигини аниқлаш ва потенциал қарздорнинг гаровга қўйилган мулк тўғрисида ахборот бериш гаров реестрини ташкил этишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Қонун лойиҳаси бўйича гаров реестри жисмоний ва юридик шахсларнинг гаровни таъминлашга, шунингдек, уларни ўзгартиришга ёки тўхтатишга бўлган ҳуқуқлари юзага келиши тўғрисидаги электрон шаклдаги ёзувларни ўз ичига олган ягона ахборот маълумотлар базасини ўзида ифода этади. Хар томонлама модда-модда муҳомадан сўнг депутатлар ушбу Қонунни қабул қилдилар. Ҳужжат Олий Мажлис Сенатига қўриб чиқиш учун юборилди.

«Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштиришга қаратилган. Шу муносабат билан Қонун лойиҳасида банк ва молия тузилмалари фаолиятини беш йилда қўри билан бир марта режалли текшириш назарда тутилмоқда. Киритиладиган тузатишлар хусусий банк ва молия институтлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг айлантириш ва бир тизимлигини таъминлашга хизмат қилади.

Сўнгра парламентнинг қўйи палатаси аъзолари биринчи ўқишдаги қонун лойиҳаларини қўриб чиқдилар. «Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишни янада рағбатлантириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, айниқса, саноатнинг юқори технологик тармоқларига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишни янада рағбатлантиришга, мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини такомиллаштиришга, Ўзбекистон ҳудудида чет эллик инвесторлар фаолияти учун қулайроқ шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Тегишли тузатишлар «Чел эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Божхона тарифи тўғрисида»ги қонунларга, Солиқ кодексига киритилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси болаларнинг мажбурий ўн икки йиллик таълим олишини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида болаларнинг мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишига ота-оналарнинг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг тўқсонлик қилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Тақлиф этилаётган чора-тадбирлар вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, умумий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мажбурийлиги тўғрисидаги талабларни амалга ошириш, болаларнинг умум-мажбурий ўн икки йиллик таълим олиши учун ота-оналарнинг жавобгарлигини ошириш имконини беради.

Батафсил муҳомадан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси юқорида кўрсатиб ўтилган иккала қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маъқуладди ва депутатларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда уларни биринчи ўқишда қабул қилди. Мазкур қўмиталарга қўйилган иккинчи ўқишда қўриб чиқишга тайёрлаш топширилди.

Қонун лойиҳаларини муҳомада этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ва тақлифлар билан сўзга чиқдилар. Улар ҳар бир ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси бўйича партия дастурлари ва сайловчилар фикрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўз нуқтаи назарларини билдирдилар. Депутатлар мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, фуқароларни, айниқса ёшларни ишга жойлаштириш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, молия-банк тизимини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун қўриб чиқилган қонун ҳужжатларининг муҳимлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорлигида «ОАВ фаолиятининг самарадорлиги фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий омили сифатида» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Анжуманлар

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ОАВНИНГ ЎРНИ

Давра суҳбатида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат кенгаши, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, давлат ва нодавлат ташкилотларининг матбуот хизмати ходимлари ҳамда ФЖШМҚМИ мутахассислари иштирок этди.

Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2013 йил 27 июндаги матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригидан келиб чиқадиган вазифалар ижросига бағишланди.

Давра суҳбатида бугунги кунда оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айланаётганлиги, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилаётганлиги ҳақида фикрлар билдирилди. Ай-



нан оммавий ахборот воситалари тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини амалга оширишда, жойларда мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва ёритиш орқали уларни бартараф этишга эришиш борасида катта имкониятга эгаллиги ва улардан янада самарали фойдаланиш зарурлигига тадбир иштирокчилари томонидан алоҳида эътибор қаратишди.

Давра суҳбати якунида оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини амалга оширишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуновлигига қатъий риоя қилиши; ОАВ томонидан олиб бориладиган жамоатчилик назоратининг ижтимоий ҳаётининг барча жабҳалари ва соҳаларида амалга оширилиши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Дониёр АЮПОВ,
ФЖШМҚМИ Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими раҳбари, шаҳар Кенгаши депутати

Маълумки, XXI асрни юксак техника ва технологиялар ҳамда тараққиёт, шунингдек, инсон ҳуқуқлари асри сифатида эътироф этиш мумкин. Аввало, жамиятнинг тараққий этиши ва ривожланишида инсоннинг ўрни қанчалик зарур эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Таъкидлаш жоизки, айнан одам савдоси — инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг эрки, тақдири ва келажагини оёқ ости этишдек оғир ва жирканч жиноят ҳисобланади.

Мазкур ҳолат билан боғлиқ жиноятлар ҳозирги кунда айрим мамлакатларда кенг тарқалиб, дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солиб келмоқда. Баъзан ёшларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмасликлари оқибатида чет давлатларда турли қонун бузилиши ҳолатларида жабр кўраётганларининг ҳам гувоҳимиз. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ёшларимизни ҳар томонлама қамол инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг маънавий, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни қўйишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши борасида Ўзбекистон Республикасидаги 60-оилавий поликлиника томонидан ҳам қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шу жумладан, одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш борасида поликлиникада 2013-2014 йилларга мўлжалланган чора-



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон — кўпмиллатли мамлакат. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, бугунги кунда Республика Байналмилал маданият маркази диёримизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари маънавий-маърифий мулоқот масканига, ўзига хос дўстлик уйига айланган. Жойларда ҳар бир миллатнинг ўз миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш, ривожлантириш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Тадбирда «Шу азиз Ватан — барчамизники» шиори остида ташкил этилган кўргазма ва концерт дастури ҳам мамлакатимиздаги ана шу миллатларaro дўстлик ва тотувлик моҳиятини тўла акс эттирди.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, жамоатчилик назорати ва фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда маҳалланинг роли ортб бормоқда. Қабул қилинаётган қонунлар асосида маҳаллалар фаолияти ва вазифалари кўлами янада кенгайтирилди.

Кўриб турибсизки, бугунги тадбирдан каттаю кичик аҳолиимиз бирдек хурсанд, буларнинг бари юртимиз тинчлиги ва оқсоқилигидандир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Олмазор тумани бўлими раиси Бахтиёр Исмонов. — Мустақиллик шарофати билан йилдан йилга маҳаллаларимиз обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бугунги тадбир муносабати билан маҳаллаларимиздаги тадбиркор ҳунармандлар томонидан тайёрланган ижодий ишлар ёшларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Кексаларимиз эса бундай шодиёна кунларни кўриб шукроналар айтмоқда, қўлларини дуога очишмоқда.

Тадбир муносабати билан турли спорт мусобақаларида юқори натижаларни кайд этган ҳамда ёшлар ташкилотларида фаоллик кўрсатган бир қатор ёшларга ташкилотчилар томонидан диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Таниқли санъат усталари, халқ артистлари ва ижодкор ёшларнинг бадий чикишлари йиғилганларга хуш кайфият улашди.

Абдуали САЛИМОВ
Ислам Исмоилов олган суратлар

ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ АСОСИДА

сисларини жалб этилган ҳолда олиб борилишига алоҳида аҳамият қаратилади.

Чет давлатларга чикувчилар ва одам савдосидан жабрланган фуқаролар диспансер кўригидан (невропатолог, жарроҳ, стоматолог, офтальмолог, гинеколог, юқумли касалликлар шифокори) ўтказилади. Психоневролог, дерматовенеролог, фтизиатр, нарколог мутахассислари кўриги ва лаборатория текширувлари: умумий қон таҳлили, флюорография, электрокардиография, RW ва ВИЧ инфекцияларига қон таҳлилларини топшириш 100 фоиз йўлга қўйилган.



ВАТАНИМНИ КҮЙЛАЙМАН



Одам савдоси жабрдийдалари, норасмий ва узоқ муддат чет давлатларда бўлиб қайтган ва депортация қилинган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар алмашинуви тартиби такомиллаштирилган.

60-оилавий поликлиника хизмат кўрсатадиган маҳаллаларда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)»нинг ваколатлари ва вазифалари, «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш», «Одам савдосининг олдини олиш», «Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Шу билан бир қаторда ушбу долзарб мавзунини олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талаба-ёшлари ўртасида янада кенгрок тарғиб этиш, уларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш мақсадида ўтказиладиган «Одобнома» ўқув курсларида ҳам одам савдосининг тиббий асоратларини акс эттирувчи маълумотлар билан иштирок этиш режалаштирилган.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш жоизки, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, ўсиб келаётган ёш авлод қалбига миллий тафаккур, маънавият ва соғлом дунёқараш асосларини синдириш муҳим аҳамият касб этади. Фақат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, ирради, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин.

Зухра РАХИМОВА,
Яккасарой туманидаги 60-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокорлари бўлими бошлиғи

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ АНЖУМАН

Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Республика болалар кутубхонасида «Глобаллашув шароитида ёшлар маънавий-ахлоқий шаклланишининг долзарб масалалари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Илмий-амалий анжуман Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ЕИҲ марказий Кенгаши, «Оила» илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ёшларнинг соғлом дунёқарашини шакллантириш — маънавий таҳдидларга қарши кураш, оила барқарорлигини таъминлашда ёшларни зарарли ғоялар таъсиридан асрашнинг педагогик ва психологик жиҳатлари, таълим-тарбия соҳасида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш вазифалари, глобаллашув шароитида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эришиш омиллари ҳамда ахборот-мулоқот воситаларининг глобал ривожланиши шароитида «оммавий маданият»нинг олдини олиш ва ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш масалалари муҳокама этилди.

Тадбир иштирокчилари глобаллашув шароитида ёшларнинг маънавий-ахлоқий шаклланиши, таълим ва тарбияни тўғри йўналтириш, уларнинг ҳуқуқий-ахлоқий, интеллектуал ва маънавий-маърифий дунёқарашини юксалтириш йўлида қилинаётган ишлар, қабул қилинаётган ҳужжатлар, уларни жамият ҳаётида қўллаш самаралари ҳақида сўз юритишди.

Таъкидлаш лозимки, ҳукуматимизнинг таълим, маънавият, маданият ва спорт, бандлик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга қаратилган изчил чора-тадбирлари натижасида барча жабҳаларда салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва таълим муассасалари ходимларининг вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича масъулияти янада қучайтирилди. Шунингдек, 2010 йил 17 майда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-жиноят кодексига қўшимчалар киритилиб, рестороанлар, кафелар, барлар, компьютер заллари ва интернет клублари эгалари учун вояга етмаган шахсларнинг туғни вақтда ота-она кузатувисиз мазкур муассасаларга қўйганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Тўғри, ёшлар ўз билимларини бойитиш, зарур маълумотларни олиш учун глобал ахборот макони англичанларнинг фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бироқ фарзандларимизнинг билиб-бўлмаб зарарли, миллатимизга ва мафкурамизга ёт бўлган маълумотларга чалиб, мурғак онгининг бузилиши, турли ақидапарастлик оқимларига тушиб кетишига лоқайдлик билан қараб бўлмайди. Уларга нима яхшию нима ёмон, қайси йўл тўғрию қайси йўл нотўғри эканлигини ўргатиш, қандай инсонларга эргашиш, ҳавас қилиш ва ибрат олиш кераклигини тушунириб бериш ҳаммамизнинг вазифамиздир.

Республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири уларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, улар онгини турли хил зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишдан иборат, — дейди Халқ таълими вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бош инспектори Равшан Эргашев. — Ушбу анжуман айнан ёшлар тарбияси муаммоларига бағишланган бўлиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларни мувофиқлаштириш, турли илмий қарашлар, таклиф-мулоҳазаларни тинглаш, муаммоларнинг педагогик ва психологик ечимларини топиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш ўринлики, анжуманни ташкил этиш жараёнида вазирлик ишчи гуруҳига 160 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар келиб тушди. Маълум ходимлардан иборат гуруҳ таклифи билан улар орасидан ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан мувофиқ деб топилган 112 та мақола ва тезислар махсус тўплам шаклида чоп этишга тавсия этилди.

Миллатни тарбиялашда биринчи галда ота-оналар бош ролни ўйнайди, — деди Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Гулзода Сулаймонова. — Шунинг учун аввало ота-онанинг ўзи маънавий бой ва тарбияли бўлиши керак. Юртбошимиз «Бинолар ичидан энг буғи — мактаб, касблар ичидан энг буғи — ўқитувчилик касбидир» дея бежиз таъкидламаган. Ота-оналар ҳам ўз фарзандларини педагогика ва психологиянинг илмий асосланган ва тажрибада синалган тамойиллари, таълимнинг ота-болаларимиздан мерос бўлиб қолган анъаналари асосида тарбияласалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Улар ҳар доим биз педагогларга, устозларга, мураббийларга ҳамкор, ҳаммаслак бўлишлари лозим.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли юртдошлар!

«Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш акция-дорлик жамияти Сизларга Кисловодск (Россия) ва Ялта (Украина) шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сиахатгоҳларида табиат қўйида ҳордиқ чикариб, соғлигингизни тиклаб олишни таклиф қилади.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., С. Азимов кўчаси, 65-уй.

Телефонлар: 233-55-18, 232-67-13, 233-64-92.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2004 йил 21 июнда Очилова Шахноза Илҳомовна номига берилган 477/4-рўйхат рақамли, В№ 152360-сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 1-сонли ИДУ мактаби томонидан 2013 йил 18 июнда Холмуродова Шохиста Рашид қизига берилган У№5919160 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, 20-мавзе, Беруний кўчаси, 12-уй, 20-хондонда яшовчи Якубов Фуркат Шавкатовичга тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

